

„ГУЛ ШАЙДОСИ“ ВА „ВИСОЛ“

Улуг сўз санъаткори М. Горький «Еш ёзувчиларга мактублар» мақоласида бундай деб таъкидлаган эди: «Талант ишга бўлган муҳаббат орқали ривожланади ва у, ҳатто, ўз моҳияти билан фақат ишга ва иш жараёнига бўлган муҳаббатдан иборатдир, дейиш мумкин».

Дарҳақиқат, ўз иши, ёзувчилик касбига муҳаббатли, кенг китобхоналари олдига ўзининг мастулияти ва бурчини дилдан ҳис этган адабиётимиз тунич намоёндаларининг издошлари — ёш қалам соҳибларининг ижод маҳсуллари ҳам дафъатан таҳсинга сазовордир.

Мана, қўлимизда ёш, умидли шоира Гулчеҳра Жўраева. «Гул шайдоси» тўплами. Тўплам «Мўтабар падар» шеър билан бошланади. Бу улуг зотга озмунча шеър-досонлар бағишландими! Ҳар бир қалб ҳарорати туген урган қалам соҳиб шун улуг инсонга меҳру муҳаббатини оқ қоғоз арақларига туширишни, қалб кувончи, амри, истакни бошқаларга айтишни виждонини бурчи, деб билади. Чаманзордаги ранг-ранг гуллар ҳарчанд бир-бирини тақозо этсада, барибир, ҳар қайсининг ўз муаттар бўйи, фазл-лафоти, ҳусн-жамоли, мазмун бор. Шу маънода, Гулчеҳра қалбидан отилиб чиққан иди, улуг доҳияга чексиз муҳаббат.

садоқат руҳи билан юғрилган. Унинг ўз овози, ўз ички кечинмаси, ўз орзу-уйлари, ўз эзу ни-яти бор.

Лениннинг иши учун Бағишлаб олгим, кучим, Ленинча авлодларга хизмат қилгум умрбод!

Гулчеҳранинг «Замондошларим» шеърдаги жамият — халқ жасорати билан ҳамнафаслик туйғуси, «Сувчи» шеърдаги меҳнат-роҳат завқи, «Коммунизм қиз-ман»даги бахтиёрлик, эрк напидаси жўшқин илҳом билан ёзил-гандир.

Шоиранинг «Орзу» шеърда ҳаётга меҳр, туйғуси дилбар мис-рларда, қалб ҳарорати билан та-раринум этилади:

Жўшқин соҳ ўртасидан
Ўтаман соҳ назар,
Чеварлар гайратидан
хайрат тошар юракда.
Ана шу меҳнат завқи, чевар
қўллар гайрати шоирага илҳом
бағишлайди:

Орзум зар бўйи каби
минг тусда жўлоланар,
Дийрим баҳоридек,
шеър тугилар юракда.

Шоиранинг маҳорати яна шун-да ҳам намоён бўладики, у ҳаёт-дан кичик, «қўз илтамас» детал-ларни тўғри танлаб олиб, ундан катта бадий умуллама, теран фикрий якун чиқара билади.

Кишиларимизнинг қалбларида романтик ҳислар меҳмон эмас, балки ҳамisha ҳамроҳ — янги за-фарлар сари бошловчи йўлчи юл-дузлар. Бу кайфият ҳаётга об-ектив муносабатда бўлган шои-ранинг жўмладан. «Инсон — бу-юк» шеърда жонли бўёқларда та-свирланади. «Инсоннинг миле-дан ер кураси «ор экан» деган шеърда шоира совет кишилари-нинг мўъжизалар яратувчи ақл-идрони, таваққури ҳақида жу-да тўғри ва ҳаққоний ҳулоса чиқара-ди.

Тўпламга киритилган шеърлар

«Сирдарё оқшоми», «Қўз, қуёш, мен», «Юлдузлар оламида», «Ол-тин қўз», «Ўртанма зинҳор» ка-би шеърлардаги ҳарорат, қалб садосини ҳам нусиалантиради.

Умуман, шоира билан ижо-ди қамолот чўққиси сари инти-ляпти. Унинг ижоди чуқур изди-отиб, тобора сермахсул бўла бо-ришга ишончимиз комил. Нega-ки, шоиранинг ижод лаборатория-си қайноқ қалб ҳарорати билан битилмиш кўпгина ажойиб ли-рика намуналари билан китобхона-ларини мафтун қилади.

Еш, истеъдодли, дилкаш шоир Барот Бойқобиллов китобхоналарга бирнеча шеърини тўпламлар тақ-дим этди. Аввал унинг «Самар-қанд сатрлари» номли тўплами нашр этилган эди.

Бу тўпламга киритилган шеър-ларда эш шоирнинг миллий ифти-хор туйғулари, Батанга оташин муҳаббат, Ленинга, Коммунист-партияга садоқат мотивлари ифо-да этилган.

Еш шоир қалбини тўққилан-тирган, унга олам-олам завқ-шавқ, битмас-туганмас илҳом ба-ғишлаган тарихий ёдгорликлар,

Тоғ кўксига ёнбошлаган чексиз
узумзор,
Мевазорлар мўл ҳосилдан
Кўтарилмас бош
Бог илмин суздай ичган ҳар
бир соҳибкор
Саъйياتини олишлайди ҳаттоки
куёш —

каби реал, ҳароратли мисралар бунёдга келган. Бундай ижод на-муналари сериясига «Икки қай-рағоч», «Чинорлар», «Қимиз», «Муҳаббат» «Сиеб» шеърларини ва «Этюдлар»ни ҳам киритиш мумкин.

Баротнинг иккинчи шеърлар тўплами — «Висол» деб аталади. Тўплам еш шоирнинг «Афсона-вий қаҳрамон эмасан» тўртлиги билан очилди. Бу дебютада со-вет ёшларининг пок қалби ас са-до беради. Шунинг билан бирга, инсоний гурурининг реал моҳия-ти ўзининг бутун улугворлиги билан шоирнинг «мен»и орқали мағрур янғиради.

«Севги ёшида» рубрикаси ос-тидаги «Самарқанд гузалига», «Қорачим», «Нон ва шеър», «Самарқанд ушшоғи», «Ўғилди-р» каби бир қанча лирик шеърларда кўза ташланган тур-чи жондор қаваллар шунда-ки, шоир тинмай илҳомда, ўқу-чи билан бирга гап айтиш ния-тида қалбини, билим ва иқтидо-рини ишга солади ва уни айтишга муваффақ бўлади.

Иккинчи сўз еш шоирнинг қўфиялари ҳақида. В. В. Мая-ковский, ҳамisha шеърнинг асо-сий хусусиятларидан ва ҳал эту-вчи омилларидан бири сифатида қўфиянинг аҳамиятини қайта-қай-та уқтирган эди. Унингча, шеър-ларда илгари сурилган мазмун ва

гоя қўфия орқали ўқувчи қалби-ни забот эта олади. Маяковский қўфиясиз шеърнинг «социл кет-тиш»ни ҳам алоҳида таъкидла-ган эди.

Баротнинг «Ергинам» шеър-даги қўфияларини мустаҳкам, би-ринчи мисрадаги фикрини иккинчи мисра тўлдирган олишга хизмат қилувчи, фикрини конкретлашти-риб, ўқувчига гоъий бадий, эсте-тик завқ бағишловчи муҳим во-сита бўлганини таъ олиш лозим.

Барот Бойқобиллов кенг китоб-хоналар, шеър мухлислари ораси-да ўзининг сонетлари билан ҳам танилган шоир. Унинг қатор со-нетлари тематик хилма-хиллиги, бадий тўзаллиги ва айниқса, фалсафийлиги билан ўқувчини мафтун этади. Муҳими, сонетлар-нинг асосини Батанга оташин му-ҳаббат, инсонпарварлик ҳисси ташкил этади. «Инсонда табас-сон бўлмас, дўстим, сўнган ой сингари қўрилар руҳсор», «Юр-тим, севгинг қанча улкан бўлса-дам, уни сингираркан қалбига одам», «Жамини одамга берма-динг наҳот, онанинг муқаддас қалбини, табиятга!», «Юлдуздан паст, ердан баланд бўлгуча, Одамлар сафига бўлган бир куч-ча» сингари образли сатрлари шу-лар жўмласидандир.

Гулчеҳра Жўраева, Барот Бой-қобилловнинг ижод тўхфалари ҳа-қида қисқача сўз юритдик. Ишон-чимиз комилки, поэзия соҳасида қалам тебратётган бу соҳиблар янги ижод армуғонлари билан шеър мухлисларини бундан бўё-хам ҳушнуд қиладилар.

У. Салоҳидинов.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

нинг кўпчилиги ҳақида илиқ-сам-ий фикрларни айтиш учун асос қўп.

Лекин, баъзи асарлар «пишиб етилмаган», тахрирлаб поэтик намуналарни ижод лаборатория-сида етарли тобланмай туриб, шоша-пиша китобхонага тақдим этилади. Масалан, «Олтин аргум-чоқ»даги қўфия қашшоқлиги, «Тинчлик — боладай азиз» шеър-идаги фикрий саёзлик, «Севгим ва онам»даги оригиналликдан маҳрум тақдидчилиги шоиранинг

Унинг ўзига хос оригинал услу-би, тасвир манераси бор. Севги баҳси таронасида, айниқса, бу-нинг ёрқин намунасини кўрамиз. Қарагин:

Ирмоқ бўлиб оқса ҳаёлим
Дарё каби сенда туташар.
Бундай оригиналлик фақат «Ўртанма зинҳор...»дагина эмас, балки «Расмининг чизмас...», «Оқшомлари кезганда...» каби бир қатор инсоний гузаллик, се-вги тароналарини мадҳ қилувчи бошқа шеърларда ҳам кўзга яқ-қол ташланиб турибди.

ҳалқимизнинг азалий санъат оби-далар жўмладан унинг «Салом меҳрибонларим» шеърда ёрқин акс этган.

Шоир мўъжизакор табиатнинг ажойиб куч-қудрати, лафоти, унинг инсонга ҳаёда этган ноз-неъ-матларига тасанно ўқиб, эъзола-ган «Ургут» шеърда эса табиат-ни сирдан кузатиб, шу йўсин, интим таассуротларини баён эт-май балки табиатни дилдан ҳис-қол ташланиб турибди.

ИЛГОР механизаторлар фидо-корона меҳнат қилиб, ўтган йили тахтадан юқори ҳосил ештириш-дек улкан ишга ўзларининг муво-сиб ҳиссаларини қўшдилар. Бу йил ҳам улар беш йиллик вахта-сида туриб кўклагини экин кампа-нисига пухта тайёргарлик кўр-моқдалар. Суратда: нешадан ме-ханизаторлар (чапдан) С. Исро-лов (Бўка районидан) «Партия XIX съезди» колхозини, И. Сидик-алиев (Бекобод районидан) Ленин номли колхоз, Т. Маҳмудов, (Оқ-қўрғон районидан) «Москва» кол-хозини, А. Шаҳрамов (Янгийўл рай-онидан) Ленин номли колхоз, В. Шевцов) Оққўрғон районидан «Ленинград» колхозини.

А. Абалая фотоси.

СЕРҚУЁШ Республикамизда

ЧЎЛДА ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИ

НАВОЙИ, (Бухоро области). Қў-йимзор сув омборининг хушман-зара соҳилда дам олиш уйи ку-рила бошланди. Бу ерда спорт уйинлари майдончаси, қайиқ стан-цисси, ётоқхоналар бўлади.

Навоий ҳимия комбинатининг меҳнатнашлари беш кун ишлаган-ларидан сўнг Қизилқумдаги мана шу пансионатда икки кун ҳордиқ чинарадилар.

Химиклар Навоийдан сал нари-

даги кўркам Шўрўл соҳилларида ҳам дам оладилар. Завод насаба союзи комитети бу ерда меҳнат-нашлар учун Қўйимзорда энг катта ҳордиқ чинариш базасини ташкил қилишга қарор берди.

КОЛХОЗ БОЛАЛАР ШАҲАРЧАЛАРИ

САМАРҚАНД. Иштихон райони-даги «Иттифоқ» колхозининг мар-казий босилмасида қишлоқ бола-лар комбинати кўриб битказилди. Ярим гектарлик майдонда икки кўчалдан асосий корпус, ёрқин бинолар қад кўтарди. Болалар ўй майдонига майдончалар эвратилди. Бу ерда 140 ўринли болалар боғчаси ва кассис жойлашди. Областдаги кўпгина колхозлар ана шундай комплекс болалар муассасаларини афзал кўрмоқда-лар. Қишлоқ қурувчилари бу йил колхозлар учун ўн бешта йирки болалар шаҳарчалари қуришга буюртма қабул қилдилар.

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ФЕРМА

АНДИЖОН. «Савай» совхозининг сут-товар фермасида «М-100»типадаги учинчи сут соғиш установкаси ишга туширилди. Бу ерда еш-хаман улашувчи ма-шиналар, авторомчилар ҳам ўр-натилган. Савайликлар яна бир янгилик бори: моллар емга қў-шулланган кимматли оқсиқ мод-да — хлореллан қўйлатиридан аппарат урнатилган. Икки нева-лардан паста таёйирлайдиган ма-шиналар ҳам ишлаб турибди.

Савай совхозининг фермаси

Андижон обласида бир қанча ме-ханизмлар комплекси қўлланил-ган биринчи фермадир.

НИЛИГА 40 МИЛЛИОН ДОНА ТУХМ

УРГАНЧ. Урганч яқинида қури-лаётган паррандачилик фабрика-да машина-усуналардан монтаж қилина бошланди. Фабрика йили-га 40 миллион донна тухум бериши керак. Бу ерда кондиционерлар, вентиляторлар, калориферлар ўр-натилмоқда. «Обсерватор» трес-ти кўма механизациялашган мо-лоқсининг коллентини шу йил-нинг охиригача иккунининг би-ринчи навбатини ишга тушириш мабсуриятини олди. Айни вақтда бу ерда парранда учун озуқа ба-заси барпо этилаётти, беда ва ар-па экин шун уй майдонлар ажра-тилди. (ЎзТАҒ).



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидан «Правда» колхозида қорвақил-ри вивокланмоқда. Қорва моллари туғини қўпайтиришда бўзоқбоқар Полина Бараннишанин хиссаси кат-та. У ўзига бирктилган 70 бўзоқ-ни меҳр билан боқиб, соғлом ўс-шини таъминлайоти. Суратда: П. Баранина.

А. Жамолов фотоси.

ФАН ОЛАМИДА

ЁРУҒЛИК СИРЛАРИ

«Қуёш нурлари битмас-туган-мас энергия манбаидир. Агар инсоният ерга ёруғлик нурла-ри сифатида етиб келадиган қуёш энергиясидан тўла фойда-лана олганда эди, ҳозирги фой-даланиладиган энергиядан 20-30 баравар янғид энергия ҳосил бўлар эди.

Тошкент шаҳри территория-сига тахминан бир кунда ёруғ-лик нурлари сифатида 2.000.000 килокалория қуёш энергияси тушмоқда. Агар у электр энергиясига айланти-рилса 2 миллион 200 минг ват-дан ортиқроқ энергия ҳосил бў-лади.

Ёруғлиқнинг яна бошқа ҳу-сусликлар ҳам борки, ундан фойдаланиш тўғрисида катта истиқболлар очилди. Масалан, ёруғлиқнинг кўзга кўринмас қисми бўлган инфракўз нур-лардан сигнал тартиқсида фой-даланиш мумкин.

Кейинги йилларда совет ва чет эл олимлари ёруғлик энер-гиясини тўридан тўғри электр энергиясига айлантирувчи фотоэлементларнинг мукамал формаларини яратиб билан бирга сигналларни ўзгартириш йўлида ҳам катта иш олиб бормоқдалар. Айниқса, физика-нинг жуада ёш соҳаси опти-коэлектрониканинг очилиши нур-нинг ҳамма хусусиятларидан интенси фойдаланишнинг актуал вазифа қилиб қўйди. Опти-коэлектроника ёруғлик сигнални электр сигналга, бу сигнални эса яна ёруғлик сигналга айлантиришга асослангандир.

Бу ўринда 1946 йили поль-шалик олимлар томонидан топ-тилган юқори кучлининг бе-рувчи ярим ўтказгич пардалар диққатга сазовордир. Шуниси қувонарликки, бу соҳада респу-бликамиз олимлари ҳозир ол-динги ўринда бормоқдалар. Академик Э. И. Адирович бошчилигида арсенид гал-лий, селен ва ярим ўтказгич бирикмасидан бундай пардалар дунёда биринчи бўлиб олинди.

Бундай пардалар ярим ўтказ-гич материални ҳавосиз жойда бўлганда асосида олинди. Тайёр бўлган парданинг кучла-ниши қайд қилувчи асбоба бириктириб, у ёритилса уй температурасида 100, суяқ азот температурасида эса 1000 вольтларча кучланиш беради.

Республикамиздаги физика-техника институтининг ёруғ-лик сигналларини махсус мат-рица асосида ўтказгич парда-лар ёрдамида электр сигналла-рига айлантириш ҳақидаги ишга авторлик гувоҳномаси берилди. Ярим ўтказгич бирик-масидан эса бу соҳани сезувчи юқори кучланиш пардалари олинди.

Ҳозирги пайтда ярим ўтказ-гич пардаларга ёруғлик нурини таъсирида инфракўз нурла-ри қайд қилувчи приёмник (сиг-нал қабул қилувчи)ларни му-камаллаштириш, юқори фой-дали иш коэффициентига эга бўлган қайта ўзгартирувчилар яратиб ва электрон аппарату-раси бўлича ўсиб келадиган фан тармоғи микроини-тизацияда фойдаланиш ис-тибоблари қидирилмоқда.

Т. МИРЗАМАХМУДОВ, аспирант.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА

РУМИНИЯ

Руминия пойтахтида очилган кўрғазмада Совет Иттифоқи радио-техника саноатининг чет мамлакатларга сотиладиган махсулотларидан юзтага яқини намоён қилинмоқда. Бу экспонатлар орасида энг янги транзисторли радиоприймник-лар, телевизорлар, передатчик-лар бор. Кўрғазма билан Со-фия, Белград, Будапешт, Пра-га, Берлин ва Варшава аҳолиси ҳам танишди.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Шу йил июнь ойидан бош-лаб Германия Демократик Рес-публикасида «Эффект» номли янги журнал чиқа бошлайди. Бу журнал саҳифаларида со-циалистик экономикага раҳбар-лик ва уни планлаштириш ма-салалари ёритиб турилади. Журнал назарий проблемалар-ни ўртага қўйди ва ишлаб чи-қилди. Германия Демократик Республикаси ва бошқа соци-алистик мамлакатлар меҳнат-кашлари ўртасида тажриба ал-машинга қўмаклашди.

ПОЛЬША

Польша Халқ Республикаси кейинги 16 йил ичида металл қирқадиган станоклардан 25 мингдан кўпрогини чет мамла-катларга сотди. Польшанинг бу станоклари Италия, Фран-ция, Англия, Германия Феде-ратив Республикаси, Австрия, Швеция ва Швейцарияда, Скандинавия мамлакатларида-ги энг катта фирмаларнинг за-

ЮГОСЛАВИЯ

Югославиянинг қўп сонли са-ноат тармоқлари орасида ин-струментал саноат тармоғи энг кекса тармоқларнинг бири ҳи-собланади.

Урушдан кейинги йилларда саноатнинг бу тармоғи янги сифат билан бойиб, ривожлан-ди. Мажбур инструментал за-водлар реконструкция ва мо-дернизация қилинди. замона-вий усуллар билан таъмин-ланган янги инструментал за-водлар ишга туширилди. Ҳозир Югославияда энг хилма-хил тингдаги инструментлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб саноат кор-хоналари бор. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Сайгон-дан 8 километр жанубда 5 со-атлик жанг бўлди. Жанг вақ-тида Америка — Сайгон қў-шинлари, चुнончи кўнгрчоқ қў-шинларнинг 34-полки талафот кўрди. Франс Пресс агентли-гининг мухбири Сайгондан ана шунга хабар қилди.

Жанубий Вьетнам ватанпар-варларининг жанговар группалари Сайгонда ва Шолонда муваффақиятли операциялар ўтказмоқда. Шу икки шаҳар-нинг кўпгина районларида ан-

томатлардан узилган ўқ овоз-лари эшитилиб турди. Ватан-парварлар муассасалардан би-рининг биноси эгини олдида бомба портлатдилар.

Халқ озодлик қўролли куч-ларининг жангчилари Сайгон-дан 35 километр шимолда қў-нгрчоқ ҳукумат денгиз пиеда аскарларнинг позициясини, шунингдек Сайгон қўшинлари-нинг Сайгондан жанубда жой-лашган Лонгандаги позицияси-ни минометлардан ўққа тут-дилар.



ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Халқ озодлик қўролли кучлари жангчилари Америка денгиз-и ёда қўшинлари мудоффа қилаётган таянч пунктга ҳужум қилмоқдалар. ВНА—ТАСС фотоси.

Африкалик ватанпарварлар муваффақияти

ДОРУССАЛОМ, (ТАСС). Родезия территориясида жанг қилаётган африкалик ватанпар-варлар Родезия қўролли куч-ларининг 18 солдатини қириб ташладилар. Зимбабвеннинг аф-рикалик халқи Иттифончи (ЗАПУ) ва Африка Миллий Конгресси (АНК) партиялари Лусакада эълон қилган қўшма ахборотда ана шунлар маълум

қилинади. Ахборотда айтила-дики, африкалик ватанпарвар-ларнинг ҳозирги жанговар ҳа-ракатлари Смитнинг ирқчил режимига қарши ўтган йил ав-густ ойида бошланган қўролли курашнинг давомидир. Хар ик-кала партия ирқчиларга қарши озодлик урушини қўпайтириш мақсадида иттифоқ туздилар, деб таъкидланади ахборотда.

ТЕРРОР ДАВОМ ЭТМОҚДА

САН-ХОСЕ, 20 март. (ТАСС). Гватемалада конститу-ция гарантлари бекор қилин-ганига айна бўлди. Мамлакат-да ўнг террорчи ташкилотлар бебошлик қилмоқда. Улар ҳуку-мат ва ҳарбийларнинг бево-сита мададига таялиб, прогрес-сив арбобларни ҳамда мажбур аҳволда норозилик билдирган ҳар бир кимсан гумдон қил-моқдалар.

Гватемалада чиқадиған «Пренса Либре» газетасининг эъшича, Гватемала шаҳридан сал нарида 5 та деҳқонлар мурдаси топилиган. Бу деҳқон-лар отиб ўлдирилган. Газета деҳқонлар реакция ҳарбийларнинг ҳомийлигида иш кўраётган ўнг террорчи «Мано Бланка» ташкилотининг қурбони бўлди-лар, деб ёзади.

